


ОЙБЕК ХОЛМАТОВ

ШАХРИСАБЗ

АРХЕОЛОГИЯСИДАН

ЛАВҲАЛАР



ОЙБЕК ХОЛМАТОВ

**ШАҲРИСАБЗ
АРХЕОЛОГИЯСИДАН
ЛАВҲАЛАР**

**Янги аср авлоди
Тошкент - 2018**

УЎК: 94(575.1)(072)

КБК: 53.59

О – 18

Холматов, Ойбек

Шаҳрисабз археологиясидан лавҳалар/ О.Холматов. – Тошкент,
Янги аср авлоди, 2018. – 36 б.

ISBN 978-9943-20-470-6

Ушбу кичик ҳажмдаги рисолада муаллиф археологик ёдгорликларга ниҳоятда бой бўлган Шаҳрисабз туманидаги айрим ёдгорликлар, хусусан, Эшонқишлоқ ва унинг атрофидаги манзилгоҳларда шахсан ўзи олиб борган археологик тадқиқотлар натижаларини қисқача баён этган. Рисола Ватанимиз қадимги тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 94(575.1)(072)

КБК: 53.59

Масъул муҳаррир:

Б.Ж.ЭШОВ,

Тарих фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-20-470-6

С Ойбек Холматов, “Шаҳрисабз археологиясидан лавҳалар”. “Янги аср авлоди”, 2018 йил.

Кириш

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жамиятининг кўплаб жабҳаларида оламшумул ўзгаришлар бўлгани каби илм-фан ривожигаги ўзгаришлар ҳам кишини қувонтиради. Хусусан, бу йилларда юртимизнинг энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар даври тарихи ва маданияти масалаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш устувор долзарб вазифага айланди.

Дарҳақиқат, миллий маданият ва тарихимизнинг барча соҳаларини қайта жонлантириш ва такомиллаштириш, илғор умуминсоний қадриятларни тинмай ўзлаштириб бориш билан бирга ўз онгимизни, энг самарали миллий анъаналаримизни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалалари республикамизда қабул қилинган миллий ғоя дастуридан ҳам ўрин олган.

Ушбу рисоланинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг куйидаги фикрларини келтиришни лозим топдик: ”Одамзот борки, авлодаждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб ўсган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.... Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўркуфайзини, маҳобатини йўқотмаган осори-атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва

шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради.”¹

Мазкур рисоланинг муаллифи Ойбек Холматов Шаҳрисабз туманининг Эшонқишлоқ қишлоғида туғулиб ўсган. ЎзМУ нинг тарих факультети, Археология бакалавр йўналишини тугатган. Муаллиф ўз касбини жуда севади ҳамда ўз устида тинмай ишлайди. Шу боис, ушбу рисола муаллифнинг биринчи китоби эмас.²

Алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур китобчанинг мазмун-моҳияти ўта илмийликни ифодаламайди, илмийликка даъво ҳам қилмайди. Муаллиф ўз қишлоғи Эшонқишлоқ ва унинг атрофидаги манзилгоҳларда тажрибали олимлар иштирокисиз, ўз ташаббуси билан қазишмалар ўтказган. Табиийки, топилмаларни таснифлаш, саналарини аниқлаш, қиёсий ўхшашликлар келтириш кабиларда тажрибасизлиги туфайли айрим хатоликларга йўл қўйган.

Тўғри, археология жуда қизиқарли, қадимги тилсимотлар, осори-атиқалар, буюмлар ва ашёлар, шаҳар ҳамда қишлоқ харобаларини “гапиртирувчи” фандир. Шу билан бирга археологиянинг мазмун-моҳияти далилларга асосланиш, унинг тилини фанга

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Тошкент:маънавият. 2008.Б.30.

² Холматов О . Қадимки Кеш Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Дилкаш шаҳар тарихи; ўша муаллиф.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4306> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4306> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4306>